

Апрель ойининг мавзуси: “Ер сайёраси- умумий уйимиз”

Гуруҳ		Кичик гуруҳ					
Ҳафта мавзуси		Ўйинчоқларга ғамхўр муносабат. Ер юзини асранг!					
Муддати		Апрель ойининг 4-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Асосий ҳаракатларни мустаҳкамловчи ҳаракатли ўйинлар					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз шаҳри ва ўз ўйинчоқлари ҳақида билим ва қизиқишларни шакллантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Оғзаки нутқнинг барча таркибий қисмларини ривожлантириш. Боғланган нутқ.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларда қизиқиш ва қизиқувчанлик, табиат атроф-оламнинг бир қисми эканлигини ҳис қилишни уйғотиш					
	Ижодий ривожланиш	Атроф- олам предмет ва ҳодисаларга эстетик ёндошишни шакллантириш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Айвонча ясаш					Кубиклар, ғиштчалар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш			Ўйинчоқлар дўкони			Ўйинчоқлар, саватчалар
	Тил ва нутқ	Ажойиб ҳалтача					Ҳалтача, ўйинчоқлар
	Фан ва табиат		Хона гулларини парвариш қилиш				Тувакдаги хона гуллари
	Санъат	Расм: Копток		Лой: Севимли ўйинчоғим (ихтиёрий)	Расм: Қўғирчоқ учун қўйлак безаймиз	Аппликация Машина	Намуна, оқ қоғоз, рангли қалам, рангли қоғоз, пластилин.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

Апрель ойининг 4-хафтаси
Ҳафта мавзуси: “Ўйинчоқларга ғамхўр муносабат”

Қуриш, ясаш ва математика маркази:

Айвонча ясаш

Мақсад: тарбияланувчилар қурилиш материалларидан ғиштчаларни текис тахлаб, атрофига ғиштчаларни ёнламачасига қўйиб айвонча ясашни ўрганадилар, нарса ясашга қизиқишини орттирадилар.

Керакли жиҳозлар: қурилиш материаллари, ғиштчалар, леғолар, дарахт ва гуллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна билан танишиш.
2. Ясаш кетма-кетлиги билан танишиш.
3. Айвонча қуриш.
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: майда ўйинчоқлардан дарахт ва гуллар бериб айвонча атрофини безатиш ва ўйинчоқларни айвончада меҳмон қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар:

1. Болаларни кичик жамоа бўлиб ишлашлари
2. Тасаввур доирасини кенгайтиришга эътибор бериш

Сюжетли ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази:

“Ўйинчоқлар дўкони” таълимий ўйини

Мақсад: тарбияланувчилар бир-бирлари билан мулоқот қиладилар, ўйинчоқ номини тўлиқ айтадилар, содда гап тузиб мурожаат қилишни ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: “Ўйинчоқлар дўкони” ўйини жиҳозлари, ўйинчоқлар, саватчалар, қутичалар, ўйинчоқ дўкони расми, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқ дўкони расмини кузатиш.
2. Ўйин жиҳозлари, ўйинчоқлар билан танишиш.
3. Ролларни тақсимлаб ўйнаш.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: севимли ўйинчоғига шеър ёки ашула айтиб беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ўйинчоқларни яхши кўриб ўйнашга, асрашга ўргатиш.

Тил ва нутқ маркази:

“Ажойиб халтача” таълимий ўйини

Мақсад: тарбияланувчилар халтачадаги ўйинчоқларни пайпаслаб қандай ўйинчоқ яширинганини топадилар ва номини айтадилар. Сезиш-идрок қилишга ўрганадилар, лугат бойлигини оширадилар.

Керакли жиҳозлар: ажойиб халтача, ўйинчоқлар, карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқлар билан танишиш.
2. Ажойиб халтачага ўйинчоқларни солиш.
3. “Ажойиб халтача” ўйинини ўйнаш.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: расмли карточкалар бериб ўйинчоқлари учун ёқтирган нарсасини аниқлашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ўйинчоқларни биргаликда ўйнаш, уларга зарар етказмаслик ҳақида тушунча бериш.

Фан ва табиат маркази:

Хона гулларини парвариш қилиш

Мақсад: тарбияланувчилар меҳнат кўникмасини шакллантирадилар, хона гулларини парваришлаш, гулларнинг ранги, баргининг шакли, гулбарги бўйича ажратишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: тувакдаги хона гуллари, лейка, ўйинчоқ белкурак.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тувакдаги хона гулларини кузатиш.
2. Гулларнинг гулбарги шакли, ранги, гулларини аниқлаш.
3. Гулларнинг тагини юмшатиш.
4. Гулларга сув қуйиш, баргини артиш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: табиат бурчагини тартибга келтиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: меҳнат куролларидан тўғри фойдаланиш. Гигиенага риоя қилишга эътибор бериш.

Санъат маркази:

Расм:Копток

Мақсад: тарбияланувчилар қаламдан эркин фойдаланиб, айланама ҳаракат орқали копток расмини чизадилар, рангларни фарқлаб уларни тўғри танлайдилар.

Керакли жиҳозлар: оқ қоғоз, рангли қалам, копток.

Фаолиятнинг бориши:

1. Коптокни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Копток рангларини фарқлаш
4. Копток чизиш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: “Коптогим” шеърини ўқиб беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

Санъат маркази:

Лой: Севимли ўйинчоғим (ихтиёрий)

Мақсад: тарбияланувчилар лой бўлакларидан думалоқлаш, чўзиш, чимтиш усуллари билан фойдаланиб нарсалар ясайдилар, лойдан нарсалар ясашга қизиқадилар.

Керакли жиҳозлар: пластилин ёки лой, тахтача, салфетка, ўйинчоқлар (ётмас қўғирчоқ, пирамида, копток...)

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқларни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Ясайдиган ўйинчоғини аниқлаш.
4. Иш жараёни.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ясаган ўйинчоқларини севимли ўйинчоқларига тақдим этиш ва ўйинчоқлари билан ўйнашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ўйинчоқларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашга ўргатиш.

Санъат маркази:

Расм: Қўғирчоқ учун қўйлакча безаймиз

Мақсад: тарбияланувчилар мўйқалам билан расм чизадилар, мўйқаламни бўёққа ботириб қоғозга қўйиб олиш йўли билан безашни ўрганадилар, рангларни бир-бирига мос танлайдилар.

Керакли жиҳозлар: рангли қоғоздан қўйлак шакли, рангли бўёқлар, салфетка, қўғирчоқ қўйлаклари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қўғирчоқ қўйлакларини томоша қилиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Иш жараёни.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: қўғирчоқларга ювилган тоза кийимларни кийдиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: ўйинчоқларни озода, тартибли сақлашга ўргатиш.

Санъат маркази:

Аппликация: Машина

Мақсад: тарбияланувчилар қоғоз сатҳига тайёр шаклларни тўғри жойлаштириб, тартибли елимлайдилар, машина ғилдиракларини чамалаб тўғри елимлашга ҳаракат қиладилар.

Керакли жиҳозлар: оқ қоғоз, рангли қоғоздан қирқилган тайёр машина қисмлари, елим, салфетка, машина ўйинчоқлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Машина ўйинчоқларини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Елимлаш кетма-кетлиги билан танишиш.
4. Иш жараёни.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: геометрик шакллар бериб машина ясашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: машиналарни бузмасдан, дўстлари билан ўйнашга ўргатиш.